

БОШ ҲИСОБЧИНИНГ «МИЛЛИОНЛАРИ»

... бош ҳисобчи ва ёрдамчиси жинойи келишувга кўра 2010 йилнинг ўзида октябрь ойи учун 21 та талабанинг 14 млн. 406 минг, ноябрь ойида 30 нафар талабанинг 12 млн. 774 минг сўм стипендия пуллари жиғилдонларидан ўтказиб юборишди.

9 бет

ФИРРОМ ҲҲИН

Адвокат уюшма идорасидаги ҳужжатларни ўрганиб, ёқа ушлади. Мижози муғомбир қаллобларнинг қармоғига илиниб қолибди. Абдуҳамид Қолиров кредит уюшмасига топширган 800 млн. сўм қумга сингирган томчидай ғойиб бўлибди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir


Ҳуқуқ



1997-йил 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-йил 18-oktabr, №42 (823)



Бўғини куз манзараси

Таҳлил

Фаолиятнинг муҳим бўғини

Мамлакатимизда бугунги кунда иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга ошириб келинаётган кенг қўлмалли ислохотлар энг аввало халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини тўлақонли таъминлашда ўз самарасини бермоқда. Бу борадаги вазифаларнинг рўйбга чиқарилишида прокуратура органлари фуқаролар, қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини бевоҳита ва суд орқали ҳимоя қилиш, суднинг қонунга ҳилоф бўлган қарорларига нисбатан протест келтириш йўли билан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, Республика Бош прокурорининг 2004 йил 11 май кунги буйруғига мувофиқ, прокурорлар судда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан мутасадди мансабдор ёки бошқа шахсларга нисбатан моддий, интизомий, маъмурий қоралар қўриш ва жиноят иши қўзғатиш масалалари, албатта, муҳокама қилиниши бўйича илтимосномалар тақдим этиш ҳуқуқидан самарали фойдаланиши лозимлиги кўрсатилган.

Бу борадаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўли-

ми томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳолда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари тахлил қилиниб, умумлаштирилди. Хусусан, умумлаштирилаётган даврда фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан жами 42 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Қайд этилган жиноят ишларининг 9 таси ҳужжатларни қалбақлаштириш ҳолатлари юзасидан, 7 таси фирибгарлик ҳолатлари юзасидан, 2 таси ўзгалар мулкани талон-торож қилинганлиги ҳолатлари юзасидан, 4 таси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ва мансаб сохта-корлиги ҳолатлари юзасидан, 1 таси ўзгага тўхмат қилиш ҳолати юзасидан ҳамда 1 таси бошқа ҳолатлар юзасидан қўзғатилган.

Жиноят ишларининг 4 таси бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари якунланиб, суд томонидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли жазолар тайинланган, 1 таси судда мазмунан қўрилмоқда, 1 таси бўйича жиноят содир этган шахслар ёки жиноят содир этган шахсининг қаердалиги аниқланмаганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилган ҳамда 18 таси бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

[Давоми 5-бетда]

Жараён

Мустақилликнинг дастлабки кўнаридаёқ ёшларнинг иқтисодий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги манфаатларини ҳимоя этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ингит-қизларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, сиёсий маданияти ҳамда маънавий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш вазифалари долзарб деб белгиланди.

Бугуннинг долзарб вазифаси

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар, Фуқаролик ва Оила кодекслари қабул қилиниб, вояга етмаганлар ва ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг замон талабларига мос демократик ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги, Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч қоралар тўғрисидаги конвенциялар ва бошқа бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди.

Истиқлолимизнинг дастлабки пайтида, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани ёки Президентимизнинг 1993 йил 4 мартда қабул қилинган Фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ватанимизнинг илк ордени — "Соғлом авлод учун" деб номланиши ҳам бу масалага қай даражада эътибор қаратилганидан далолат беради. Ўз навбатида ёшлар ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқ нормалари эса миллий қончилигимизда ўз аксини топди. 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси қўшилган илк халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция бўлган эди.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунга асосан ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг иқтисодий шаклланиши ва қамол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўхис рўйбга чиқиши учун иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат эканлиги мустаҳкамланган.

Мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ушбу қонун орқали 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга тааллуқли ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунлари ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос дея эътифдор этади.

Ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий сиёсий, ҳуқуқий манба ҳисобланади. Унга асосан, ёшлар Конституцияда ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ёш фуқароларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва қорхоналарнинг ёшларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини, шахсининг қадриятларини оилада, меҳнат ва ўқув жамоасида, турар жойда ҳар томонлама ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда вакиллик, ижроия, суд ҳокимияти идоралари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ташқи таҳдидлар, бузғунчи таъсирлардан ҳимоя қилиш мамлакатимиз тизимлиги ва барқарор тарққиётининг асосий омилли саналади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ана шундай хавф-хатардан огоҳ этиб, "Бугунги кунда одамзод маънавий бир давлатлар ва сиёсий қушларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарққадиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий ҳамалар таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таъниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкуравларнинг босими-га, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона қўринишдаги таъсирларига бардош бериши амримаҳол", деб таъкидлагани бежиз эмас.

[Давоми 3-бетда]

Обуна — 2013

Ҳурматли юрtdошлар!

2013 йилда ҳам

"HUQUQ" газетаси

Сизнинг энг яқин

ҳамкорингиз бўлиб қолади.

Газетамизга «Матбуот тарқатувчи»

АК ва барча почта бўлимларида

обуна бўлишингиз мумкин.

Республикаимиздаги иқтисодий ислохотлар аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимояга олган ҳолда амалга оширилаётир. Кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда жойлардаги аҳоли учун янги иш ўринлари яратилиб, меҳнат ва бандлик муаммолари ҳал этилмоқда.

Ҳисобидан «адашган»лар

Фарҳоджон АБДУВАЛИЕВ,
Бувайда туман прокурори

Кишлоқ жойларда ҳам тадбиркорликни, кичик бизнесни, касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилиши Бунинг натижасида вақтинча ишсиз фуқаролар доимий иш ўрнига эга бўлишяпти. Бувайда туман прокуратураси томонидан аҳолини иш билан таъминлашга оид қонунчилик ижроси таҳлил этиб боришмоқда. Хусусан, туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг фаолияти, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, вақтинча ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни ишга жойлаштириш, қайта касбга ўқитиш, ишсизлик нафақасини тайинлаш жараёнлари ўрганилганида, бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Марказнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари хизмат ваколатларини суистеъом қилиб, ишсиз деб эътироф этилган шахсларни қайта тайёрлаш мақсадида ажратилган ҳамда жамоат ишларида қатнашганларга тўланадиган лозим бўлган бюджет маблағларини сохта ҳужжатлар ва ҳисоботлар тузиш орқали ўзлаштириб талон-торож қилишган. Марказ директори Х.Султонова бош ҳисобчи Р.Турсуновга ўзига ишонгандай ишониб, тўлов ҳужжатларига "паршонхотирлик" билан имзо чекиб бераверган.

Марказ мутахассисларини моддий рағбатлантириш ҳақида буйруқлар чиқарилмагани ҳолда 2010 йил апрель ойидан 2011 йил ноябрь ойига қадар иш ҳақларига ортиқча устамалар ҳисоблаб тўланадиган натижасида бюджетнинг 1 млн. 104 минг сўмликдан зиёд маблағлари режадан ташқари сарфланган. Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлигининг 2010 йил майдаги буйруғига кўра, марказ директори Х.Султонованинг иш ҳақида 15 фоизлик устама қўзда тутилгани ҳолда бош ҳисобчининг "сахийлиги" тудайли май ойидан декабрь ойигача 30 фоизлик устама қўйилиб, 342 минг сўм ортиқча тўлаб юборилган. Икки ёшгача боласини парвариш қилаётган мутахассис Н.Саттаровага эса икки ой мобайнида 181 минг сўм ортиқча нафақа "тортиқ" этилган.

Марказ директорининг тўлов ҳужжатларига "қўзни чирт юмиб" имзо чекиб беравериши бош ҳисобчини "руҳлантириб" юборган. Р.Турсунов 2010 йил февраль ойида директор Х.Султонова ва унинг ўринбосари О.Исқаюловага иш ҳақларини 100 минг сўмдан, ўзига 270 минг сўм, апрель ойида уч нафар мутахассисларга 40-47 минг сўмдан "қўпайтириб" ҳисоблаб берган. Шу тарика, иш ҳақларига гайриқонуний устамалар ҳисоблаб тўланадиган натижасида 2 млн. 534 минг сўмликдан зиёд бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

Бандликка қўмаклашиш марказининг мансабдор шахслари вақтинча ишсиз фуқароларни қайта касбга ўқитиш учун тўловларни амалга ошириш жараёнида ҳам ўзларини "рағбатлантириб" туришган. 2010-2012 йилларда "Миллий чеварчилик", "Дурадгор наққош", "Тикувчилик", "Либосларга мунчоқ билан безак бериш" гуруҳларида касбга ўқитилган ишсизлар ва уларнинг устозлари, ўқитувчиларига буйруқда назарда тутилганига нисбатан бир ойлик ортиқча стипендиялар тўланадиган "йўлга қўйиб", жами 5 млн. 512 минг сўм бюджет маблағларини ўзлаштиришган. Бундан ташқари, "устамолар" жамоат ишларига жалб этиш учун ажратилган маблағларни ҳам ўзлаштиришга муваффақ бўлишган. Аслида бажарилмаган ишлар учун ободонлаштириш бўлими ходимларини жамоат ишларига жалб этилган шахслар сифатида расмийлаштириб, бўлим ҳисоб рақамига 1 млн. 980 минг сўм пул маблағларини ўтказиб беришган. Ушбу маблағнинг 1 млн. 280 минг сўмини фуқаро Ж.Эрматовнинг, 700 минг сўмини М.Бекбоевнинг пластик карточкаларига юклаб олишиб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган.

Шу тарика расмий ҳужжатларга сохта ёзув ва маълумотлар киритилиб, иш ҳақига устама, бола тарбияси учун нафақа, касбга ўқитиш гуруҳларига стипендия, жамоат ишларига иш ҳақи тарзида 10 млн. сўмликдан зиёд бюджет маблағлари қонуний тўлаб юборилгани, давлат манфаатларига жиддий зиён етказилгани аниқланиб, бўлимнинг ҳисобидан "адашган" мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Қонунбузилишларнинг олдини олиш учун тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўллангилди.

Тараққиётга хизмат қиламиз

Мамлакатимиз иқтисодиёти тобора раванқ топмоқда. Тадбиркор ва ҳунармандлар учун яратилган шарт-шароитлар, солиқ имтиёзлари ўз самарасини бермоқда. Янги маъсулот ишлаб чиқаришдаги кичик бизнеснинг улуши ортиб бормоқда.

Бироқ, халқимиз айтганидек, беш қўл баробар эмас. Имконият ва шариотларга қарамадан, қонуний фаолият юритишни афзал биладиган, топган даромадидан солиқ тўлашни истамайдиган, фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган инсонлар ҳам учраб туради. Уларни фош этиш, қонуний фаолиятига чек қўйиш фаолиятимиз мезони саналади.

Шовот тумани Чигатойқалъа қишлоғида яшовчи Сўхбат Собиров ана шундай сохта тадбиркорлар сирасига кириди. У алюминий ва қора металлдан қозон ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Бунинг учун яширин цех ташкил қилган. Ҳамқишлоқлари Қўзибой Норбоев, Равшан Саидов, Ҳамид Абдираимовни ишга ёллаб, ишбай усулида қунига 4000-5000 сўмдан ҳақ тўлаган. Қозонларни эса сотиб, қонуний даромад қилган.

Қонун ҳимоячилари томонидан унинг қонуний фаолиятига чек қўйилиб, 148 дона алюминийда ясалган қозон, 1127 килограмм раңгли металл, 3220 килограмм қора металл ва бошқа моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинди.

Бўлимимиз томонидан бу каби сохта тадбиркорларни фош этиш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Алкогол маҳсулотларининг қонуний савдосининг олдини олиш ҳам бугунги қўндаги энг долзарб вазифалар сирасига кириди. Бўлимимиз томонидан "Ўзбекистон" қишлоғи "Эшонқалъа" маҳалласида яшовчи

Улугбек КАРИМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Шовот туман бўлими бошлиғи
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Huquq»

Ҳамро Бекчановнинг қонунга зид бўлган ҳаракатига чек қўйилди. У турли этикетка ёпиштирилган, акциз маркасининг барчасида бир хил рақамли 71 шиша ароқни 248 минг 500 сўмга урганчлик Д.Закликовский сотган пайтда қўлга олинди. Ашёвий далил сифатида олинган спиртли ичимликлар текширилганда, уларнинг истеъмолга яроқсизлиги, акциз маркалар нусха қўчириш йўли билан қалбақлаштирилганиги маълум бўлди. Ҳ.Бекчанов қилмиши учун қонун олдига жавоб беришига тўғри келди.

Бўлимимиз томонидан қонуний валюта олди-сотибига барҳам бериш юзасидан рейд текширувлари ташкил қилинмоқда. Ана шундай текширувлардан бирида "Шовот пир бозор" худуди ёнида фуқаролар Рашид Ҳожиёв ва Мурод Абдуллаев жиноий тўл бириктирган ҳолда 200 АҚШ долларини 478 минг сўмга сотган пайтда ушланди. М.Абдуллаев бошқарувдаги машинани қўздан кеңирилганда, сотиш мақсадида сақлаб қўйилган 1400 АҚШ долларни, 3000 Россия рубли, 5000 қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олинди.

Йилнинг биринчи ярмида ўтказилган текширишлар натижасида бюджетга 112000 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, шундан 110000 минг сўми бюджетга ундириб олинади. 2012 йил 1 январь ҳолатига мавжуд 51751,8 минг сўмлик бокиманда қарзлардан 13305,3 минг сўми бюджетга ундирилгани таъминланди. Давлат ва жамият манфаатларига етказилган 48328,2 минг сўмлик зарарлар тўлиқ ундирилди.

Келажакка кимлар тўсиқ?

Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ёш авлодининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим ва тарбия масалалари давлатимиз эътиборига муҳим масала бўлиб келаётир. Бу борада, ёшларнинг ҳимоясига йўналтирилган қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш учун қўллаб дастурлар ишлаб чиқишли, амалга оширилмоқда.

Жамшид ХУДОЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Гулистон шаҳар бўлими бошлиғи

Айни вақтда барқамол авлод келажагини қўлаб қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун ва 2007 йилдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонни қатта ҳақда қадам қўётган фарзандларимизни иқтисодий ва ижтимоий томондан рағбатлантириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш ва кўмак бериш ҳамда уларнинг уй-жой ва маънавий шариотларини яхшилашга хизмат қилмоқда. Айниқса, "Ёш оилаларни моддий ва маъна-

вий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ, бошқа мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда тижорат банкларига муҳим вазифалар юклатилди. Унга кўра, ёш оилаларга микрокредитлар ажратиш, ипотека ва истеъмол кредитлари бериш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуришда амалий ёрдам кўрсатиш қатъий белгиланган.

Афсуски, баъзида фармон талабларини бажаришда ва кредит маблағларини ажратишда ёшларни чалғитиб, ўзининг чўнтагини қалпайитиришга интилувчи кимсалар учраб тураётгани ачинарли ҳолдир.

СВОЖДЛҚК Департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси билан биргаликда Гулистон шаҳар бўлими ва бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилув-

чи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида, ДТ "Халқ банки" Сирдарё вилоят филиалида ўзига "ин" қўрган бир гуруҳ мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг жиноий фаолияти фош этилди.

Ана шундай кимсалардан бири бўлиш, банк бошқарувчиси ўринбосари вазифасида ишлаб келган У.Шодмонов фуқаро А.Маматқуловга ёш оилалар учун уй-жой кредит маблағини ажратиш эвазига 2 млн. сўм пул талаб қилиб, ушбу пул маблағларини пора тариқасида олган вақтида, жиноят устида ушланди.

Тергов даврида У.Шодмонов банкнинг бошқа мансабдор шахслари билан ҳам олдидан жиноий тил бириктириб, уюлган гуруҳ сифатида фаолият олиб бораётгани маълум бўлди.

Суд қонунбузарларга нисбатан ўзининг одил ҳукмини ўқиди.

Ноқонуний даромад буюрмас

Мамлакатимизда ҳусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилиб, уларга барча имкониятлар яратиб берилляпти. Бутун ишнинг кўзини билган, ишбилармонлик хислатларига эга бўлган қўллаб ҳамюртларимиз эл-юрт раванқига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Аммо тадбиркорлик ниқоби остида ана шу имкониятлардан факатгина ўз манфаати йўлида фойдаланаётганлар ҳам учраб турибди.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатган "Kalipo biznes" МЧЖга раҳбарлик қилиб келган Азимбек Назаров (исм-фамилиялар қўзғатириб берилмоқда) ҳам қонуларни четлаб даромад орттиришни маъқул кўрайдиганлар тоифасидан экан. 2010 йилнинг август ойида Чилонзор туман ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида давлат рўйхатидан ўтган "Kalipo biznes" МЧЖ асосан қурилиш моллари улгуржи савдосига ихтисослашган бўлиб, А.Назаровнинг хизмат вазифасига бошқа корхоналар билан шартномалар тузиш, жамиятнинг бошқариш, савдони ташкил этиш кабилар кирган.

Бироқ, у мансаб ваколатларидан фойдаланиб, қонуний даромад орттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги "Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармо-

З.ИНАГАМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Чилонзор туман бўлими бошлиғи

ни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузиб, харидорга НКМ чеки ёки унга тенглаштирилган қвтанция бермасдан, 16 млн. 420 минг сўмлик қурилиш молларини фуқаро О.Муродовга нақд пулга сотиб юборган. Савдо қондаларини бузишни одат қилган А.Назаров 3 млн. 409 минг сўмлик харидордир товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб юбориб, савдодан тушган пулларни банк муассасасига топширмаганда ўзлаштириб юборган.

Бу билан ҳам қаноатланмаган А.Назаров 2010-2011 йиллар учун жами 6 млн. 888 минг 500 сўмлик ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан ҳисобланадиган даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоботлардан яшириб, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан мўйам доридан ортидан қўвган А.Назаров қонуний жазосини олди. У 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди ҳамда унга энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдориди жарима белгиланди.

Бугуннинг долзарб вазифаси



/Давоми.
Бошланиши
1-бетда/

Республикаимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини ташкил этувчи, мамлакат тараққиётининг стратегик ресурси дея баҳоланаётган ёшларни ижтимоий тўғри йўналтириш, уларга ҳаётда ўзларини тутиб олиши учун моддий ва маънавий шароит яратиб бериш асосида ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабат мустаҳкамланади. Давлат томонидан ёшларга нисбатан юритилаётган бундай сиёсат бевосита ёшларнинг ўш ҳуқуқ ва бурчларига риоя қилиш масъулиятини оширади.

Ёшларга қаратилаётган эътибор, уларнинг камолоти учун сарфланаётган маблағларни келажак учун тикилган сармоя дейиш мумкин. Чунки, бугун ёш авлод таълим-тарбияси учун сарфланаётган маблағ истикболда ортғи билан жамиятимизга, халқимизга, мамлакатимизга қайтади.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг самардорлигини баҳолашда қуйидаги жиҳатлардан келиб чиқиб баҳо берилсади, яъни: 1. Ёшлар саломатлиги да-

ражаси билан; 2. Ёшларга берилаётган таълим даражаси билан; 3. Ёшларнинг даромадлари, ижтимоий таъминланганлик даражаси билан.

Гувоҳи бўлиб турибмизки, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар самараси сифатида соғлом авлодни камол топтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада эришилган натижалар хорж мутахассислари, халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. Утан 2011 йил мисолида кўрадиган бўлсак, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилиб, даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион долларлик хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилди. Айниқса, ёшлар, ёш оилалар, оналар

ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида бугунги ёшларимиз халқаро стандартлар даражасида таълим олиш имкониятига эга бўлмоқда. Ўшбу соҳага давлат бюджетининг 35 фоизи йўналтирилаётгани ҳам таълим тизимида эътибор даражасини кўрсатади. Шу билан бир вақтда, мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми ошиб бормоқда.

Аҳолининг, жумладан, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган ёшларнинг ҳам реал даромадлари ошиб бормоқда. 2011 йилда республикаимизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди.

Ёшларни Ватанга, халққа, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавий меросимизга ҳурмат ва сadoқат руҳида тарбиялаш, улар учун яратилган имкониятлардан юқори даражада фойдалана олиш масъулиятини тарғиблиш келажакда кўланаётган мақсадларнинг бош мезонидир.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини ёш авлодга етказишда кўмаклашиш, ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб улғайишига муносиб ҳисса қўиш, ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, қолаверса, уларга ўш иқтидори ва қобилиятларини тўла намойиш этиб, юрт равнақи йўлида хизмат қилишлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бериш ҳар бир мутаассадди ташкилотнинг муҳим ва устувор вазифаларидан бири бўлиши шарт. Ёш авлодни мустаҳкам фуқаролик позицияси ва ватан-

парварлик руҳида тарбиялаш ҳар бир даврда, ҳар бир давлат сиёсатида муҳим ўрин тутати. Бу борада Республика Харбий прокуратураси органлари томонидан ҳам муайян чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Зеро, муддатли қачирик бўйича ва шартнома асосида харбий хизматни ўтаётган йигитлар, офицерларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлганлар, яъни ёшлар ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг дунё харитасидан ўрин эгаллаганига унча кўп бўлмаган бўлса-да, мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, хавфсизлигимизни таъминлашга қодир бўлган қудратли, профессионал армияни шакллантириш борасида катта муваффақиятларга эришилди. Бундай чора-тадбирлар Куролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Ёшларимиз ўртасида харбий хизматга бўлган муносабат ўзгарди, унинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Эндиликда Куролли Кучлар сафида хизмат қилишни аксарият ёшлар ҳавас қилади, харбийлик энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Юксак маънавиятли, пок қалби, виждонли инсонинга юрт тинчлиги, мамлакат равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўишга, Ватан манфаатини ҳар нарсадан устун қўишга қодир бўлади. Айниқса, Ватан мудофаасидек шарафли ишга масъул харбий хизматчиларнинг маънан етуқлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бунда Асосий Қонунимизни, унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, таъсирчан воситалар орқали ёшлар тафаккурига чуқур сингдириш муҳим ўрин тутати. Зотан, ёшлар нафақат консти-

Ботир КУДРАТХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Харбий прокуратурининг биринчи ўринбосари

туциявий ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятини ҳам чуқур англаши лозим. Шу боис, жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш борисида ҳам давлатимиз томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси томонидан Конституция қабул қилинганлигининг 20 йиллигини нишонлашга муносиб тайёргарлик қўрилмоқда. Жумладан, Республика Харбий прокуратураси органлари томонидан жойлардаги харбий қисм ва муассасаларда ҳамда харбий шахарчаларда истиқомат қилувчи харбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан давра суҳбатлари, турли хил илмий-амалий конференциялар, ўқув семинар машғулотлари тadbирлари, оммавий ахборот воситаларида матбуот, радио ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ўшбу йўналишдаги тadbирлар ўтказиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири шиддатли тараққиёт жараёнида даврида миллий ўзлигимизни сақлаган ҳолда, дунёдаги тенгдошлари билан бирдай фикрлайдиган, керак бўлса, бу борада рақобатлаша оладиган, онгли фуқаролик позициясига эга соғлом ва баркамол шахсини тарбиялашдир. Бу эса мустақиллигимиз ва давлатчилигимизни янада мустаҳкамлашнинг, мамлакат тараққиётини таъминлашнинг бирламчи шарти саналади.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан уй-жой коммунал тизимини ислох қилиш ҳамда унн такомиллаштиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат тadbирлари олиб боришмоқда. Бу борада асосий эътибор маҳаллий давлат ҳокимиятлари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятига қаратилган.

Муҳомада мавсум тадориги

Равшан ҲАКИМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2012 йил 16 март кунин халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгазининг навбатдан ташқари сессиясида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида белгиланган аниқ вазифалар ҳамда 2005 йил 10 февралдаги "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Қарорига мувофиқ шаҳар ҳудудиди бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, бугунги кунда Тошкент шаҳрида жами 2 327 та хусусий уй-жой ширкатлари мавжуд бўлиб, улар 9 155 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Тегинли ташкилотлар кўмаги билан Тошкент шаҳридаги ҳар бир кўп қаватли уйлар хатловдан ўтказилиб, бажарилган ишлар бўйича тегинли дастурлар ишлаб чиқилган. Мавсумла барқарор ишлаш учун барча кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизими махсус босим билан ювилиб, жойлардаги муҳим бўғинлари профилактика таъминланди.

Чакки ўтиш хавфи бўлган уйларнинг 65 минг кв. метр ҳажмдаги том қисмлари жорий ва қатилтаб таъмирлан чикарилди. 586 та кўп қаватли уйларнинг фасад қисмида ва кириш ўйлакларининг 2 470 тасида жорий таъмирлаш ишлари якунланди. Бу билан бир қаторда, 394 та лифт кабиналари хизматта шай этиб қўйилди. Бироқ, назорат тadbирлари шунинг кўрсатмоқдаки, қўрилаётган чо-

раларга қарамай, куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш, ҳудудларни ободонлаштириш борасида тегинли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятида кўплаб қонунобузилишлар аниқланган. Айрим мутасадди идораларнинг лоқайлиги боис, аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлиги юқориликча қолмоқда.

Коммунал соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида шу йилнинг 13 октябрь кунин шаҳар прокуратураси ва шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Истиқлол" санъат саройида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда ички ишлар, солиқ идоралари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой ширкатлари раислари иштирок этиди.

Кун тартибидидаги масала бўйича Тошкент шаҳар прокуратури ва шаҳар ҳокимиятининг маърузалари тингланли. Шунингдек, иштирокчиларга ширкатлар фаолиятида содир этилган айрим жиноят ишлари бўйича шаҳар прокуратураси томонидан тайёрланган видеофильм намойиш этилди.

Йиғилиш якуни бўйича коммунал соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада ошириб, аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғиблиш ишларини қучайтиришга доир тегинли қарорлар қабул қилинди.

Ҳуқуқи тикланди

Я.АБДУРАҲМОНОВ,

Паркент туман прокурори ёрдамчиси

Мамлакатимизда турли шаклдаги мулклар тенг ҳуқуқий мавқега эга бўлганлиги ва ана шу мулкларга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги тadbиркорликнинг ривожланишига бош омиб бўлиб хизмат қилмоқда. Тadbиркорлик субъектларига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун тўсиқ бўлаётган муаммоларга барҳам беришга долзарб вазифа сифатида ёндашилмоқда. Республика Президентининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган "Тadbиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Паркент туман прокуратураси томонидан туман Ветеринария бўлимида "Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тadbиркорлик фаолиятини текширишлари ташкиллаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари мониторинг тарзида ўрганилди. Аниқланишича, туман Ветеринария бўлими томонидан якка тартибдаги тadbиркор Ф.Усмоновга нисбатан 14 500 сўм маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган.

Бу ҳолат Паркент туман прокуратураси томонидан ўрганилганда, туман деҳқон бозори ҳудудига фаолият юритаётган якка тартибдаги тadbиркор Ф.Усмоновнинг фаолияти туман Ветеринария бўлими ҳолими Р.Пайзихўжаев томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш, унинг вилоти ва туман комиссиялари рухсатсиз, ноқонуний текширилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғри-

сида"ги Қонунининг 9-моддасида махсус ваколатли орган ёки унинг тегинли ҳудудий бўлими томонидан берилган, ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаси текшириш ўтказишга асос бўлиши белгилан қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрь кунидида "Тadbиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3665-сонли Фармонда назорат органларининг мансабдор шахслари тadbиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлиги ва уларнинг ҳужалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган иқтисодий зарарининг ўрни қоплаган ҳолда жанобгарлик белгилан қўйилган деб кўрсатилган.

Юқоридида текшириш натижасида туман прокуратураси томонидан туман Ветеринария бўлими томонидан маъмур ноқонуний маъмурий қарорни бекор қилиш учун фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво ариза киритилди, суд томонидан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди. Туман Ветеринария бўлимида якка тартибдаги тadbиркор Фулом Усмонов фойдасида 14 500 сўм моддий зарар, 30 минг сўм маънавий зарар, жами бўлиб 44 500 сўм ундирилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан Ветеринария бўлими манфаатини қўзлаб Р.Пайзихўжаевдан 76 минг 750 сўм етказилган зарарни ундириш мақсадида регресс тартибдаги даъво аризаси киритилди.

Шу муносабат билан якка тартибдаги тadbиркор Ф.Усмоновнинг тadbиркорлик фаолиятидаги ҳуқуқи тикланди.



Икки туташган тақдирлар туфайли барпо этилган оила қўрғонининг асосий пойдевори ишонч ва ўзаро меҳр-муҳаббат ҳисобланади. Аммо, ана шу омилар дарз кетса-чи?.. Унда оила бузилади. Уртада фарзандлар бўлса-чи?.. Бундай ҳолатда эса ижтимоий ҳавф янада ортиб, жамиятга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Фарзандларнинг ота ёки онанинг меҳрига тўймасдан ўлғайиши оилада ижтимоий муҳитнинг кескинлашувига олиб келади. Маълумки, фарзандага ота-онанинг моддий ва маънавий кўмаги бирдек зарур. Турли сабаблар билан ажрашган оила фарзандлари учун қабул қилинган қонуналаримиз ота ёки онанинг моддий таъминотини кафолатлайди. Бу лугавий маъносига асосан озуқа, таъминот аталувчи — алимент ҳисобланади. Бироқ, белгиланган алиментни вақтида тўламаган айрим ота ёки оналарга эса қонун бўйича тегишли тартибда жазо чоралари кўрилади.

Юқоридаги жиҳатларни инобатга олган ҳолда Мирзачўл туман прокуратураси томонидан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Жиззах вилояти Мирзачўл туман бўлимида алимент ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш ҳолатларининг қонунийлиги ижроси ўрганилди.

Хусусан, текшириш даврида туман суд ижрочилари бўлими иш юритишда 83 та шу турдаги ижро ҳужжатлари мавжуд бўлган. Бўлим томонидан 2011 йил давомида ижро иши юриштириш кўзга тушган 19 та, ижро ишини иш юритувга олиш тўғрисида 13 та, ижро ишини тамомлаш тўғрисида 4 та, мажбурий келтириш тўғрисида 1 та, жарима солиш тўғрисида 1 та қарорлар қабул қилинган.

Жорий йилда бўлим томонидан Ўзбекистон Республикасидан четга чиқиш тўғрисида 69 та, ижро иши юриштириш кўзга тушган тўғрисида 19 та, ижро ишини иш юритувга олиш тўғрисида 12 та, ижро ишини тамомлаш тўғрисида 7 та, мажбурий жарима солиш тўғрисида 1 та қарорлар қабул қилинганлигини кўриш мумкин.

2011 йилда 1 та ҳолатда алимент пулини ўз вақтида тўламаганлик учун ҳамда шу турдаги ижро ҳужжатлари ижросини таъминламаганлиги сабабли бир нафар фуқарога нисбатан жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг қарорига асосан қарздор Б.Абдувалиевдан ундирувчи З.Абдувалиева фойдасига иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг 1/2 қисми микдорда алимент ундириш бўйича ижро ҳаракатлари қарздорнинг иш ҳақиға қара-

Эътиборсизликка йўл қўйилмади

О.КАРИМОВ,
Мирзачўл туман прокурори
Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

сизлик оқибатда эса алимент пуллари ўз вақтида тўланмасдан келинган ҳолатлар кўпайган.

Хусусан, қарздор Мурод Ўразов томонидан ундирувчи Махсуда Норботирова фойдасига 2 нафар фарзанди учун алимент пуллари 2011 йил декабрь ойидан буюн тўланмасдан келинганлиги аниқланди. Қолаверса, мазкур ҳолат бўйича суд ижрочилари томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмаган. Аниқланган алимент қарздорлиги туман прокуратураси аралашуви билан қарздор Мурод Ўразовдан Махсуда Норботирова фойдасига жами 218 минг сўм ундириб берилди.

Шунингдек, туман прокуратураси аралашуви билан қарздор М.Хасиловадан ундирувчи Л.Хасиловага 4 ойлик 120 минг сўм, қарздор Х.Эргашевдан ундирувчи Х.Эргашева фойдасига 2 ойлик 243 минг сўмлик, қарздор Х.Бозорбоевдан ундирувчи М.Рўзиқуллова фойдасига 13 ойлик 1384,9 минг сўмлик, қарздор О.Нурматовдан ундирувчи Г.Норкулова фойдасига 958 минг сўмлик, қарздор А.Рўзиевдан ундирувчи Б.Рўзиева фойдасига 1 млн. 600 минг сўмлик алимент пуллари ундирилди. Бу каби рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Мазкур даврда айрим фуқаролар томонидан алимент пуллари тўлашдан сабабсиз бўйин товлаб келаётган ҳолатлар ҳам учради. Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 2011 йил 26 апрелдаги ижро варақасига кўра, қарздор Бобир Зиябоев ҳисобидан унди-

рувчи Мохичехра Жўраева фойдасига фарзанди таъминоти учун қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми микдорда ҳар бир бола учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3 қисмидан кам бўлмаган микдордаги алимент 2011 йил 26 апрелдан бошлаб фарзанди вояга етгунга қадар ундирилиши белгиланган.

Аммо Б.Зиябоев моддий ёрдамга муҳтож бир нафар вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, 2011 йилнинг апрель ойидан 2012 йилнинг 28 август кунига қадар тўламасдан келди. Оқибатда эса, 2 млн. 59 минг 57 сўм микдордаги алимент пулларида қарздорлик юзага келади. Шу каби ҳолат, қарздор Тўлқин Намозов ундирувчи Гулчехра Абдуллаева фойдасига ундирилиши тегишли суднинг ижро варақасида кўрсатилган. Бунда ҳам қарздор алимент тўлашдан бўйин товлаб, оқибатда 4 млн. 251 минг 391 сўмлик қарздорлик келиб чиққан.

Ўтказилган текшириш давомида аниқланган бошқа қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш бўйича Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига 1 та тақдирнома киритилди. 2 нафар шахсларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзга тушган, қонуний чоралар кўрилди. Шу даврда аниқланган жами 7707,4 минг сўмлик қарздорлик ихтиёрий ундирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аввало барчамиз оилаларимизни асрайлик, унинг мустақкам бўлишига ҳаракат қилайлик.

Мактаб — «қайнар хумча» эмас

Марғуба Ғуломова Булоқбоши туманидаги 2-умумтаълим мактабига директор вазифасига тайинланганида, кўпчилик янги раҳбарнинг юракдан ишлашига, ушбу таълим даргоҳи ҳам вилоятдаги намунали мактаблар қаторидан жой олишига умид билдирганимиз. Бироқ кутилмаганда умималари пучга чиқди. «Ишонган тоғга кийик ётмаслиги» яна бир қарра ўз исботини топди.

Янги директор дастлабки фаолиятини таълим муассасасида дарс жараёнларини тўғри ташкил этишни назорат қилиш, ўқитувчи ва ўқувчилар орасида соғлом маънавий муҳитни шакллантиришдан бошлаши керак эди. Афсуски, М.Ғуломова бу йўлдан бормайди. Аксинча, мактаб ҳисобчиси Дилдора Ҳосилова билан жиноий тил бириктирди. Яъни икки ҳамкор 2009-2011 йиллар давомида мактабнинг йиллик иш ҳақи сметаларини сохталаштириш йўли билан иш ҳақлари ҳамда директор жағмарга маблағларини керагидан анчайин ортқч тарзда режалаштирганлар. Ўқитувчиларнинг аксариятига асоссиз равишда ортқча иш ҳақи ёзиб берилган.

Чиндан ҳам М.Ғуломова ҳамда Д.Ҳосиловалар қисқа фурсат ичида ҳужжатларни сохталаштириш, қалбаки тўлов қайдноналари тайёрлаш, ведомостга сохта ёзув ва маълумот киритиш

«илмининг етакчи мутахассиси»га айлангандилар. Аҳвол шу даражага етганки, директор мактаб ходими ҳисобланмаган Н.Қосимова номига бир неча бор ойлик маоши ёзиб берган. Оқибатда эса, 14 миллион 211 минг 468 сўм бюджет маблағи ўзлаштириб юборилган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорига асосан ишлаб чиқарилган Низомда бошланғич синф ҳамда умумтаълим фанлари ўқитувчилари учун устама ҳақлари олиш бўйича мезон кўрсаткичлари белгиланган. Мактабдаги олғирлар бу имкониятни ҳам ўз фойдасига «йўналтиришган». Натижада ўқув йили давомида иккинчи бор 4 миллион 250 минг 144 сўм бюджет маблағи растрата йўли билан талон-тороқ этилган.

Афтидан, Булоқбоши тумани газначилик бўлими бошлиғи У.Акрамов раҳбарлигидаги уюшган гуруҳ аъзолари ҳам умумтаълим мактабларини машхур

эртакда тасвирланган «қайнар хумча» сифатида тасаввур қилган бўлсалар, ажаб эмас. Йўқса, улар тумандаги бир неча мактаблар ҳисобидан олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талабаларнинг контракт тўловлариға пул маблағлари ўтказиб, бунинг ўзасига талабалардан нақд пул олиб, ўзларининг шахсий манфаатларига сарфлаш мақсадида жиноий режа тузмасдилар.

Марғуба Ғуломова ҳам эҳтимол кўрқанидан, балки шахсий манфаатини кўзлаб, юқорида номи тилга олинган гуруҳ аъзоларининг ноқонуний топширигини бажариш мақсадида мактабда ишламайдиган ходимлар номидан 11 мартабда талабаларнинг контракт шартномаси ушбу қарийб 6 миллион 668 минг сўм маблағ ўтказиб берган. Жиноятнинг изи эса одатдагидек, сохта тўлов топшириқномалари билан хаспўшланган.

Булоқбоши туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланишича, 2-умумтаълим мактабда 2011 йил якунига кўра, 120 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилган. Аммо «Фуқароларнинг жағмариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда, уларнинг 13 нафарига пенсия бадали учун шахсий

Шавкатбек ТЕМИРОВ,
Булоқбоши туман прокуратураси
терговчиси
Нурилло НҲҲОНОВ,
журналист

варақалар очилмаган. Қолаверса, 14 нафар педагог ходимга ўтилмаган 115 соат дарс, бажарилмаган педагогик юкламалар учун 378 минг 240 сўм иш ҳақи нотўғри тайинланган.

Бир жиноят иккинчи бир жиноятнинг изини топади, деб бежиз айтишмаган. Мактаб ҳисобчиси Д.Ҳосилова 2010 йилнинг август ойида 2 миллион сўм маблағни иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов учун ўтказётганини айтиб, директорга имзо чектирган. Бироқ текширишлардан сўнг ушбу маблағ «Майариклик Қаҳрамон» фермер ҳўжа-лиги ҳисоб рақамига «Олинган озик-овқат махсусотлари учун» деб йўналтирилганлиги маълум бўлди.

Шу тариқа илм даргоҳи, таълим ўчоғини «сўраётган» раҳбарлар фаолиятига чек қўйилди. Энди улар қилмишлари учун, албатта, жавоб берадилар. Мазкур молиявий жиноятдан қандай хулоса чиқариш эса ўқувчининг ўзига ҳавола.



Бахриддин (исм-шарифлар ўзгартирилган) автобуснинг иккинчи қаватида ҳавосидан беҳаловат бўлганча келар экан, ёнида ўтирган каттароқ ёшгаги йигитнинг пишиллаб ухлаб ётганини кўриб, унга ҳаваси келиб кетди.

“Қандай одамлар бор-а, иссиқни иссиқ демайди, совуқни совуқ! Шу дим ҳавода ҳам бемалол ухлаб келаётгани-чи... Қозғистоннинг ўзидаёқ пинакка кетганди... Қани эди мен ҳам...”

Шу пайт ухлаб ётган йигит кўзини очиб, ойна орқали ташқарига қаради:

— Қаерга етиб келдик?
— Ўзбекистонга яқинлашиб қолдик, ака! — деди Бахриддин унга жавобан.

Шу тариха улар ўзаро гурунглашиб кета бошлашди.

— Нечук кунлар совимай уйга қайтасиз? — сўради ҳалиги йигит. У ўзини Салоҳиддин деб таништирганди.

— Соғлиғимнинг мазаси бўлмай, тўқиз кун деганда ортга қайтман, — Бахриддин ўзинча изоҳ берган бўлди. — Қолаверса, пулнинг ҳам “чўғи” камроқ бўлади-дегандек эди. Шартта қайтиб юбордим.

У бир неча йиллардан буён гоҳ Россияга, гоҳ Қозғистонга ишлагани борар, баъзан иши юришиб, яхшигина пул топса, баъзида омади келмасди.

— Мен Қозғистондан зўр иш топиб олганман, — макта-нига тушди Салоҳиддин. У шеригининг “ишталаб” эканини шу сўхбатданроқ англаган, озроқ қизиқтирса, “тўри”га илинишга ишонарди. — Неча йиллардан буён ўша ерга қатнаман. “Хазия” бирор марта алдимаган. Пулни ўз вақтида олганман. Кейин... Жойи ҳам, озиқ-овқати ҳам ўрнида. Нолимаса бўлаверади.

Бахриддин унга яна бир марта ҳавас билан қараб қўйди.

— Агар хоҳласангиз, сизни қайтишда ўзим билан олиб кетаман. — Салоҳиддин яна ҳа-роҳининг кўнглига қўл солиш-га киришди. — Ойига 350 доллардан ойлик бераман. Овқатингиз, ётоқхона бепул. Бирор-та проблема чиқса, ўзим туриб бераман. Ҳамма таниш бўлиб кетган у ёқларда!

— Кайдам... — иккиланди Бахриддин. — Аввал уйдагилар билан гаплашай-чи!

— Гаплашинг! — уни қувватлади Салоҳиддин. — Керак бўлса, уларнинг ёнига ўзим бориб гаплашаман. Шароитни тушунтираман.

Улар манзилга етгач, қўл телефонлари рақамини алма-шиб хайрлашдилар.

Орадан икки кун ўтди. Бахриддиндан дарак бўлаверма-гач, Салоҳиддиннинг ўзи унга кўнгирак килди:

— Ха, ука, нега жим бўлиб кетдингиз? Қозғистон маса-ласи нима бўлди?

— Уйдагилар ишонқирашма-япти, — ростини айтиб қўя қолди Бахриддин. — Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, одамлар ака-укасини ҳам сотиб юбо-ряпти...

— Гап йўк, унда уйингизга ўзим бориб, улар билан гапла-шиб кўраман!

У айтганидек, эртаси куни Бахриддинларнинг уйига кириб борди. Узоқ гаплашиб, унинг ота-онасини ҳам авраб ташла-ди.

— Агар менга ишонмасан-гиз, тилхат ёзиб бераман, — деди тилёгламалик билан. — Очигини айтсам, “мени олиб кетинг”, деяётганлар кўп. Аммо бунақа пули нақд жойга ҳар кимни ҳам олиб бориб бўлмайди. Ўғлингиз менга ёқиб қол-гани, тўғрисўзлиги учун уни олиб кетишга ишқибоз бўля-ман. Аслида бирортасини бошлаб борганингиздан кейин ўзингизга гап олиб бермасли-ги ҳам керак-да!

Бахриддиннинг ота-онаси ўғиллари ортдан мактов эшитганлиқлари боис эриб кетишди ё Салоҳиддиннинг “тилхат ёзиб бераман”, деган гапига ишонишди, ҳарқалай, розилик беришди.

Бахриддин Салоҳиддинни кўчага кузатиб чиқар экан, меҳ-мон ўртага янги таклиф таш-лаб қолди:

— Агар яна бирорта ишонч-ли танишларингдан бўлса, бирга олиб кетишимиз мумкин. Ҳар ҳолда, у ёқда зеркиш бўлмайди, дейман-да...

Бу таклиф Бахриддинга ҳам маъқул келиб қолди.

— Амманнинг ўли Умар ҳам “иш топиш керак”, деб юган-ди. Ўшанга айтиб кўрсакмикан? Улар биргаллашиб Умарлар-нига боришди. Салоҳиддин яна бир марта “маҳоратини ишга солиб”, бу оиладагилар-нинг ҳам розилигини олди.

Сентябрь ойининг охирига бориб, кунлар анчагина совий бошлади. Бу йил ҳам шундай бўлди.

— Афтдан, киш қаттиқ ке-ладиган кўрилади, — дейишди дилбандларини Қозғистонга жўнатаётган ота-оналар. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, уларга

қалин кийим-бош олиб бериш-ди. “Эрта-индин пул юбориб турса, ҳаммаси изига тушиб кетади”, деган уйда қарз-қаво-ла ҳам қилишди.

Аммо... Салоҳиддин йигит-ларни чегарадан ўтказиб, Қозғистоннинг автобусига ик-кита чипта олгач, уларнинг кўнглига биринчи шубҳа ора-лади.

— Ўзингиз-чи? Нега қолиб кетяпсиз? Биз билан бирга бормайсизми? — сўради Бах-риддин шошилиб.

— Мен яна одам олиб бори-шим керак, — баҳона қилди Салоҳиддин. — Сизларни Се-рек исми қозоқ йигити кутиб олади. Ўзим эса ортинглардан етиб бораман.

Айтганидек, уларни Серек кутиб олди. Ўз уйидан жой бер-ди. Аслида ётоқхонани кўнгли-дагидек деб бўлмас, овқатнинг ҳам мазаси ҳаминқадар, бироқ чидашга мажбур эдилар.

Эртаси куни қурилиш таш-килотиди иш бошлашди. Бу орада Салоҳиддин билан икки марта кўнгираклашди. Ун-дан “Эрта-индин етиб бора-ман”, деган жавобни олгач, бироз хотиржам тортишди. Кейинроқ эса Салоҳиддин те-лефонини ўчириб олди. Серек ҳам негадир фуқаролик пас-портларини олиб қўйди.

— Салоҳиддин сизларни менга 1300 долларга сотиб кетган. Аввал ишлаб, ана шу қарзни узасанлар, кейин машо ҳақида гаплашамиз! — деди бир куни Серек дабдбурустдан. Йигитларнинг бошидан совуқ сув қуйиб юборилгандек бўлди.

— Йўқ-э?... — ҳайронлигини яширмай сўради Бахриддин. — Бизга бошқача ваздалар бериб олиб келганди...

Серек “билмадми” дегандек елка қисди. Йигитлар ноилоҳ қолишганди. Улар уч ой ишлаб, Салоҳиддин аввалдан олиб кетган пулни тўлаш учун иш-лаб беришди. Сўнгра бир илож қилиб ўз уйларига қайтишди.

Тайинки, улар ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи идораларга му-рожаат этишди. Айбдор ўз жа-зосини олди, ҳақдорларга пули қонуний тартибда унди-риб берилди. Аммо кўнгилар-да алданганлик, хўрланганлик-нинг унутилмас изи қолди. Ахир ўзга юртларда икки йи-гитга қуллардек муомала қилишди. Ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишди.

Шукурки, қонунларимиз халқимиз манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини доимо ҳимоя қилиб келган, шундай бўлиб қолади ҳам. Шу маънода, Бах-риддин ҳам, Умар ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиш-ди. Ўз ҳақларини ундириш бил-лан бирга, атрофдагилар учун ибрат вазифасини ўташди. Бундан хулоса чиқариш эса ўзингизга боғлиқ.

Ҳаёт қизиқ-да. Айримлар мансабни пул-бойлик орттириш манбаи деб билишди. Хато қилаётганини билса ҳам нафс кўзини кўр қилиб қўйгани учунми қайта-қайта адашаваради. Оқибатда эса давлат ва жамият, энг муҳими атрофдаги ин-сонларга катта зарар келтиради.

Бош ҳисобчининг «миллионлари»

Жамшид УМАРОВ,
Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси

Кобил Ҳусанов 2008 йилнинг февраль ойида Самар-қанд Давлат архитектура-қурилиш институтининг бош ҳисобчиси лавозимига тайинланган эди. Ўтган йил-лар мобайнида у бажарган “ишлар”нинг ҳар қим ҳам уддаси-дан чиқолмас эди. Эгри йўлни ният қилган кимса бир ўзи ишломмайди. Унга шерик сув ва ҳаводек зарур бўлади. Шу сабабдан у ўзига ёрдамчи этиб институтнинг хўжалик бўли-мида муҳандис бўлиб ишловчи Ислон Худойкуловни танлай-ди. Ёрдамчисидан ҳеч қандай ҳужжатсиз ҳисобчи сифатида фойдаланиб келади.

Дастлаб ишни Қ.Ҳусанов 2010 йилнинг март ойида 253 нафар талабаларга берилиши лозим бўлган стипендия пул-ларини ўзлаштиришдан бошлади. Тўлов ведомостларига қал-баки имзолар қўйилиб, қалбақлаштирилди. Натижада тала-баларнинг 19 млн. 333 минг сўм пули ўзлаштирилиб талон-тороҳ қилинди.

Бу соҳанинг анча “ҳадиси”ни олган бош ҳисобчи ва ёрдам-чиси жиноий келишувга кўра ҳаракатларини давом эттириш-ди. 2010 йилнинг ўзида октябр ойи учун 21 та талабанинг 14 млн. 406 минг, ноябрь ойида 30 нафар талабанинг 12 млн. 774 минг сўм стипендия пулларини жўғилдонларидан ўтказ-иб юборишди.

Бундан ташқари, бош ҳисобчи Қ.Ҳусанов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, талабаларнинг тўлов-контракт пулларига ҳам кўз олайтирди. Аслида бу жараёни у назорат қилиши лозим эди. Бош ҳисобчи қасддан ўз хизмат вақола-тидан фойдаланган ҳолда 2010 йил 9 ноябрдан 2011 йил 27 январгача тўланган контракт пулларидан жами 65 ҳолатда 53 млн. 682 минг сўм бюджет маблағларига тенглаштирил-ган пулларни қабул қилиб олди. Аслида эса бу пулларни ха-зиначи қабул қилиб олиши лозим эди. Бош ҳисобчи ҳазина-чининг ўрнига ҳам шахсан ўзи “ишлади”. Қўлга киритилган маблағни институтнинг ҳисобига қирим қилмасдан ўзлашти-риб юборди.

Ўзини хон, қўланқасини майдон деб билган бош ҳисобчи 2010 йилнинг январь ойидан бошлаб 2011 йилнинг январига қадар сафар харажати сифатида 1 млн. 712 минг сўмни ўзлаштирган бўлса, 2010 йил март ойидан бошлаб декабрь ойига қадар 9.85.000 сўмни аванс тарикасида қабул қилиб олиб талон-тороҳ қилди.

Институтда 2011 йил 18 июнда ўтказилган ҳужжатли-таф-тиш давомида 3 млн. 886 минг миқдорда аниқланган камо-мадни ҳазинадан қайриқонуний равишда қўлга киритди.

Энг қизиғи, ўзига сира гард юктиришни истамаган бош ҳисобчи институтда ўтказилаётган текширишда қилинган та-лон-тороҳликка ҳазиначи У.Истамовани айбдор деб кўрсат-моқчи бўлди. Ҳазиначаги ишни ёпиш учун 1000 АҚШ долла-ри бериш лозимлигини ўқтирди. Алдаб қўлга киритган 600 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Шунча ишни “силлиқина” бажараётган Қ.Ҳусанов ёрдам-чиси И.Худойкулов билан тил бириктириб, яна бир ишга қўл урди. Улар 222 нафар талабанинг пластик қарточкаларига 36 млн. 399 минг сўм пулларни ортиқча тўлаб юборди. Шундан сўнг улар ўқини бири-бирига кетаётган талабаларнинг стипен-дия пулларидан 7 млн. 153 минг сўмни боғлаб ўзлаштириш-ди.

Ҳар бир ишнинг интиҳоси бўлганидек, бош ҳисобчи ва ёрдамчисининг кирдикорлари интиҳосига етди. Улар тергов давомида институтга етказилган 121 млн. 620 минг зарардан 81 млн. 837 минг сўмни қолаб беришди.

Суд Кобил Ҳусановни уч йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Ислон Худойкулов эса икки йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қили-ниб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини олди.

Шунингдек, Кобил Ҳусанов ва Ислон Худойкуловлар ҳисо-бидан 24 млн. 140 минг сўм Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти фойдасига солидар тартибда ундири-лиши белгилаб қўйилди.



Республикамизда суд-ҳуқуқ тизими йилдан-йилга ривожлантирилиб, фуқароларимизга катта қўлайликлар яратилмоқда. Ҳозирга келиб суд қарорлари бўйича ўз ҳақларини олишлари керак бўлган шахсларнинг уёқдан-бўёққа югуриб юришларига ҳолат қолмади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Азия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг ҳудудий бошқармалари ҳамда бўлимлари томонидан суд қарорлари ижроси назоратга олинди, фуқароларнинг моддий томондан ола-берилари вақтида ҳал этилмоқда.

Тамагир ижрочи



Дилшод БАХРОМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси АИИБ терговчиси
Камолиддин АСКАРОВ,
«Huquq»

Афсуски, бу соҳада ҳам баъзан ўзининг лавозимидан ва хизмат вазифасидан фойдаланиб, жиноят сўқмоғи томон йўлини буриб юбораётганлар учраб турибди. Олимжон Худойбердиев мазкур Департаментнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Олмасор туман суд ижрочилари бўлимининг суд ижрочиси лавозимда биноидек ишлаб келаётган эди. У ҳам нафсига нисбатан озгина кўнгличанлик қилди шекилли, тўғри йўлдан адашиб, жиноят сўқмоғига кириб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Ойлали, икки нафар вояга етмаган болаларнинг отаси бу қўйга қандай тушиб қолди экан?

Воқеа бундай бошланган эди. Азиза Абдуллаеванинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Нексия" автомашинасини бир зумга дўконга чиқиб келиш учун сўраб олган Мансур Саидов шаҳар бўйлаб дўкон қидирган ёки кўнгли бировнинг уловига кўча сайр қилишни истаб қолган шекилли, шу кун кечгача йўқ бўлиб кетди. "Саёк юрсанг, таёк ейсан", деб бекорга айтишмаган. Саёк юрган М.Саидов бебошлиги боис, А.Абдуллаеванинг автомашинасида Корасарой кўчаси бўйлаб, "Хаси Имом" масжиди томонга кетаётганда автохалокатга учрайди. Натижада, бировнинг автоуловига жиддий зарар етди. Маълумки, энди бу иш судда қонуний қўрилиб, айбдор томонидан етказилган зарар ундириб берилиши керак. Ишни жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди қўриб чиқиб, М.Саидовдан автоматбилга етказилган зарар учун А.Абдуллаева фойдасига 8 млн. 619 минг 690 сўм ундирилгани белгиланди. Шунингдек, "саёхатчи" йиғитга яна 572 минг сўм жарима жазоси ҳам тайинланди.

Бу қарорни ижро этиш эса Олмасор туман суд ижрочилари бўлимининг суд ижрочиси Олимжон Худойбердиевга топширилди. Ижрони таъминлашга киришган ижрочи, табиийки, ҳуқуқбўзар М.Саидовни ҳузурига чақириб, ундан суд томонидан белгиланган суммани тўлашни талаб қилади. Қўлғиликни қилиб қўйган М.Саидов эса пулни тўлашга шароити йўқлигини айтиб, вазиятни тушунтиришга уринади. Бу ҳолат ижрочини янада "руҳлантириб", жиноят сўқмоғига киришга асосий сабаб бўлади. Энди "қонун ҳимоячиси" М.Саидовга очикчасига дағдаға қилиб, "Агар бу пуллари тўламаasang, зарарни уйингдаги сенга тегишли бўлган буюмлар ҳисобидан қоплашимизга тўғри келади", дейди. Айбланувчи ахвол қатоқлигини англаб етган, О.Худойбердиевнинг олдига акаси Ҳикмат Абдиевни "қилиш" учун жўнатади. Суд ижрочисининг олдидан ўйлаган режаси амалга ошаётгани ишни охирига етказиб қўйиш учун далда бўлди шекилли, "илтимоснон" билан келган Х.Абдиевдан ишни ими-жимиде ёпиб юбориш учун 550 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилди. "Қози муттаҳам бўлса, донингни кимга айтасан" деган нақл Х.Абдиевнинг хаёлига келиб, "қилишув шартномаси"га имзо чеқди. Фақат уни, "Бу пулни қаердан оламсан?" деган савол қийнади. У бу саволга жавобни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан топишга муваффақ бўлди.

Шу йилнинг 26 май куни О.Худойбердиев ўзининг автомашинасида Х.Абдиевдан 550 АҚШ долларини пора тарикасида олаётганида ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан жиноят устида ушланди.

Суд томонидан ўз мансабини суистеъмол қилиб, хизмат вазифасидан ғаразли мақсадларда фойдаланган О.Худойбердиевга Жиноят кодексининг тегишли моддалари қўлланилиб, 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шу билан бирга, у 3 йил муддатга моддий жавобгарлик юқлатиладиган лавозимларда ишлаш ҳамда суд ва адлия идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Фирром ўйин

Кредит уюшмаси тугатилиши ҳақида қарор чиқибди. Бу гапни эшитган қўқонлик Абдуҳамид ака бўзчининг моқиснадай Бешариққа қатнади. Қуруқ ваъдаларга ишонмай қўйди. Адвокат ёлмади. Адвокат У.Бўтабоев уюшма идорасидаги ҳужжатларни ўрганиб, ёқа ушлади. Мижози муғомбир қаллобларнинг қармоғига илиниб қолди. Абдуҳамид Қодиров кредит уюшмасига топширган 800 млн. сўм қумга сингиган томчидай ғойиб бўлибди.

Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши терговчи мобайнида "Мадад-Беминнат" кредит уюшмасини ташкил қилган ва унда ишлаган "мададор"ларнинг қилмишлари бирин-кетини фойда этилди. Ишлари судга оширилди. Дастлабки терговдаги каби суд мажлисида аввалига кредит уюшмасининг норасмий раҳбари, сўнгра ижрочи директори бўлган Мўйдинхўжа Тожиев ҳамма айбни ўзининг бўйнига олди. Гўё газнадига пуллари ҳеч кимга сездирмай бир ўзи ўмарибди. Фафлатда қолган шерикларини ҳам чув туширибди. Улар беайб жавобгарликка тортилганмиш. Бироқ ишдаги ҳолатлар, ҳужжатли далиллар кредит уюшмасида уюшган жиноий гуруҳ омонатчиларнинг жуда кўп миқдордаги маблағларини қасддан ўзлаштириб, талон-торож қилиш билан шугулланганидан далолат беради.

Учқўприк туманилик 32 яшар Мўйдинхўжа Тожиев 2010 йили Бешариқ туманида "Мадад-Беминнат" кредит уюшмасини ташкил этди. Уюшмага раҳбарлик қилишни илгари Учқўприк туманида ташкил этилган, айни чоғда ёпилган кредит уюшмасида ишлаб таърибда ортирган оғайниси Ҳусанбой Ҳасановга тақдир қилди. Ҳусанбой уюшмада 2010 йил октябр ойидан ижрочи директор бўлиб ишлаш бошлайди. М.Тожиев учқўприклик таниши Бахтиёр Мирзақулони бош ҳисобчи лавозимига, дангаралик Жамшидбек Абдуллаевни эса кассир лавозимига ишга олади. Тўртовлон авж пардада тарғибот юргизиб, таниш ва нотаниш одамларга қонқоп ваъдалар беришади. Уюшмага аъзо бўлганлар олган кредитлари ҳисобига орзуларига эришяётганлари, фойда-даромад орттиратганлари ҳақида "жонли мисол"ларни келтириб, омонат қўювчиларнинг сафини кенгайтириб боришади. Бироқ, атиги 15-20 млн. сўмлик омонатларнинг ўзини айлантириб, бирдангина йирик фойда олишлари даргумон эди.

Ҳусанбой Учқўприкдаги "Учхамкор" кредит уюшмасида ишлаётганида танишиб қолган Абдуҳамид Қодировни уюшмага тортишни тақдир қилади. Мўйдинхўжа "катта фойз билан қизиктиригил, йиллик қирқ икки фойз даромад олишига ишонтини", деб йўл-йўриқ кўрсатади.

— Йиллик ўттиз фойзининг ўзи қалтис таваққал, қирқ икки фойзини қаердан қилиб беримиз? — Бўёғини менга қўйиб бераверасиз. Пулни кассамизга топширса бас.

Ҳусанбой Қўқонга бориб, Абдуҳамид билан қўришди.

— Бешариқдаги кредит уюшмасининг иштини юргизаямман, — деди унга. — Бошқа уюшмаларда омонат фойзи 30 бўлса, бизникида 42 фойздан иборат. Бизга омонатга қўйсангиз, ҳозиргига қараганда учдан бир баробар



кўпроқ фойда кўрасиз.

Абдуҳамид Қодиров 2010 йил 3 декабр кун Бешариққа бориб, Ҳусанбой билан қўришди. Йиллик 36 фойз шarti билан 12 ойга "Ҳамкор" омонат шартномасини тузиб, 2011 йил 3 декабр кун қайтариш шarti билан 100 млн. сўм нақд пулни уюшманинг кассасига топширди. Шартномада ижрочи директор Х.Ҳасанов ва бош ҳисобчи Б.Мирзақуллов имзо чеқди.

А.Қодиров Қўқон шаҳридаги "Мадор" кредит уюшмасига омонатга қўйган пуллари бирин-кетин қайтариб олиб, 6 декабр кун тузилган шартномага биноан "Мадад-Беминнат" кредит уюшмасининг 42 фойзлик "Сармоя" омонатига тагин нақд 100 млн. сўм топширди. 2010 йил 15 декабр, 21 декабр, 22 декабр, 29 декабр, 30 декабр, 2011 йил 6 январь кунлари "Мадор" кредит уюшмасидан қайтариб олган пуллари "Сармоя" муддатли омонат шартномасига биноан "Мадад-Беминнат" кредит уюшмасига нақд топшираверди. Катта фойзга лақақ ишониб, боши айланиб, 8 та шартнома бўйича 100 млн. сўмдан жами 800 млн. сўм нақд пуллари қўшқўллаб инъом қилди.

Мўйдинхўжа Тожиев бир ишлаган йиғитлар билан гапни бир жойга қўйиб, А.Қодиров омонатга қўйган пуллари газнадан олиб, "айлантиришга" киришди. Пулни айлантириб қўпайтирса, 42 фойзини ҳам тўлайди, ўзига ҳам фойда қолади. Бироқ иш у йўлагандай бўлиб чиқмади. Қимордаги каби таваккал қилди-ю, ютиш ўрнига ютказаверди. Қисқа муддатда йирик даромад келтириш тайиндай туюлган ишлар чаппасига айланиб, қарзга ботаверди. Қарзни уюшма газнасига, омонатларга чанг солиб олган пуллар ҳисобидан қоплайверди. Оқибатда...

М.Тожиев А.Қодиров томонидан 2010 йил 15 декабр, 21 декабр ва 22 декабр кунлари тузилган омонат шартномаларини қалбакилаштиради. Йиллик 36 фойз ҳисобидан ҳар бири 100 млн. сўмлик 3 та "Сармоя" муддатли омонат шартномаларини хотини М.Қодирова томонидан тузилгандай қилиб, қайта ёзиб чиқади ва аёлининг ўрнига ўзи сохта имзо чекади. 2011 йил бошида бир неча мартаба сохта чиқим ордерларини ёзиб, омонатчининг ўрнига ўзи имзо чекиб, А.Қодиров омонатга қўйган пулларга ҳисобланган жами 96 млн. 500 минг сўм фойзаларни ва 400 млн. сўм нақд пул маблағларини газнадан олиб чиқиб кетиб, жиноий шериклари билан талон-торож қилиб ўзлаштиради. Жиноий шериклар ордан уч ой ўтиб, 2011 йил 30 март кун М.Тожиев номидан қалбаки имзо чекиб, 50 млн. сўм пуллари кредит уюшмасининг кассасига кириб қилиб қўйишади.

А.Қодировга тегишли омонат пули танидан 400 млн. сўми ва фойзаларидан 124 млн. 500 минг сўмини, жами 524 млн. 500 минг сўм бировнинг ҳақини ютиб юборган жиноий гуруҳ аъзолари

М.МЎМИНЖОНОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

кредит уюшмасини тугатиб, сувдан қуруқ чиқиш ҳаракатида тушишади. Омонатчиларнинг пуллари тўлиқ қайтариб бергандан кейин пайчилар билан ҳисоб-китоб қилинишига оид қонун талабларини писанд қилмасдан, кредит уюшмасининг пайчилари томонидан 2010-2011 йиллар мобайнида бўлиб-бўлиб топширилган бадал пуллари эгаларига қайтариб беришади. Пайчиларга чиқим ордерлари орқали омонатчилар томонидан қўйилган жами 304 млн. сўм пуллари тарқатиб бериб, омонатчиларнинг манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишади. Жиноий режанинг муаллифи М.Тожиев ўзи топширган 42 млн. сўмдан зиёд бадал пуллари қайтариб олади.

"Мадад-Беминнат"нинг ижрочи директори тугатиш комиссиясининг бош ҳисобчиси, отаси Мансурхўжа Тожиев билан уюшманинг балансдаги омонатчиларнинг тўланмаган ҳақларини қоплашга қаратилиши, кимошди савдосига қўйилиши мумкин бўлган мол-мулкларни ҳам ўзлаштиришга киришади. Ота-бола "ишбилармон"лар 2010 йил 24 август ва 30 сентябрь кунлари тузилган шартнома бўйича Нукус шаҳридаги "Автотеххизмат" ОАЖдан пул ўтказиш йўли билан 38 млн. 671 минг сўмга сотиб олинган икки та "Нексия" русумли машиналарни ўзлаштиришнинг антиқа усулини ўйлаб топишади. Тугатиш комиссиясининг йиғилиши баённомасига асосан ҳар бири 7,5 млн. сўмдан, 15 млн. сўмга баҳоланган автомобилларнинг пулини газнага тўлаб, сўнгра уларнинг ҳар бирини 26 млн. сўмданга, жами 52 млн. сўмга пуллаб юборишади. Шу тариқа ушбу савдодан тушган 37 млн. сўм нақд фойдани қўлга кириштишади. Кредит уюшмасидаги жиноий гуруҳ аъзолари М.Тожиев, Х.Ҳасанов, Б.Мирзақуллов, Ж.Абдуллаев, М.Тожиевлар жиноий қилмишларини яшириш учун бухгалтерия ҳужжатларини йўқ қилиб юборишади.

Суд мажлисида судланувчиларнинг айби ўзларининг қисман ёки тўқис икдорликларидан ташқари, ҳужжатли далиллар (омонатчиларнинг қўлларидagi шартномалар), гувоҳларнинг қўрсатмалари билан исботланди. Уларга турли муддатга озодликдан маҳрум этиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. А.Қодировга етказилган зарар уюшмага тегишли мол-мулкни кимошди савдосида сотишдан тушган ҳамда маҳкумлардан солидар тартибда ундирилган маблағлар ҳисобидан қопланажамга белгиланб қўйилди. Қиссадан ҳисса шуки, бировларни алдаб мол-мулкни қўлга киритмоқчи бўлган қисма борки, жавобгарликка тортилиши, қилмишига яраша жазоланиши муқаррардир.

Тадбиркорлик ривожига йўналтирилаётган сармоялар ўз натижаларини бермоқда



бу "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиали фаолиятида яққол намоён бўлмоқда

"Асака" банк Андижон вилоят филиали мижозларга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун", деган энг асосий тамойил дастуриламал бўлмоқда.

Филиал томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Юрбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда.

Банк филиали томонидан 2012 йил 1 октябрь ҳолатига иқтисодиёт тармоқлари ривожига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 70,9 млрд. сўмдан ошди. Бунинг асосий қисmini

узоқ мuddатли кредитлар ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга банк филиали томонидан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларни самарали йўналтириш бўйича жадал ишлар олиб боришмоқда.

Банк филиали томонидан 2012 йил 9 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 8,7 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, натижада 130 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Банк филиали томонидан "Қўрғонтепа нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш" МЧЖга ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларига имтиёзли шартларда узоқ мuddатли кредит маблағлари ажратилди. Банк кредити ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжаллан-

ган ускуна ва жиҳозлар олинди. Лойиҳани амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баравар оширилди, маҳсулот сифати яхшиланди, қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

"Таъминот Анд" МЧЖга наслли чорвачиликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли шартларда узоқ мuddатли кредит маблағлари ажратилди. Банк кредити ҳисобига хориждан 50 бош наслли чорва молларини олиб келинмоқда. Лойиҳани амалга оширилиши натижасида вилоятнинг Олтинкўл туманида йирик наслчиллик фермаси ташкил этилиб, наслли қорамоллар сонини кўпайтириш, аҳолига юқори сифатли сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш йўлга қўйилди.

Шу билан биргаликда, банк филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозор-

ни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан қарийб 2,0 млрд. сўм, 2009 йил 28 январдаги "Ноозик-овқат товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 5,7 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадларига 635 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ўз навбатида, хотин-қизларни иш билан таъминлаш имкониятини яратди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, банк филиали томонидан тадбиркорлик субъектлари ва барча аҳоли қатламларига кенг қамровли банк хизматларини кўрсатилиши натижасида банк ва мижоз ўртасидаги ишонч ришталари мустаҳкамланиб бормоқда. □

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2012 йил 19 ноябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг" компанияси тасарруфидаги бундан буён "Объект" деб аталувчи Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир (собик Сувчи) даҳаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган майдони 9886 кв.метрга тенг бўлган қурилиши тугалланмаган поликлиника биносини сотиб олишга таклиф этади!

"Объект"нинг оммавий оферта орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- объектнинг бошланғич нархи: 1 049 271 287,0 (бир миллиард қирқ тўққиз миллион икки юз етмиш бир минг икки юз саксон етти) сўм;
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объект" учун камида 1 049 271 286,0 (бир миллиард қирқ тўққиз миллион икки юз етмиш бир минг икки юз саксон олти) сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;

- харид қиймати ва қўшимча инвестицияларни киритишни қисқа мuddатларда амалга ошириш (инвестиция киритиш мuddати кўпи билан 1,5 йил мuddат ичида).

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3-соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2012 йил 19 ноябрь куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"а"- уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:
233-22-83, 233-74-72

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2012 йил 26 ноябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Зоология институтига қарашли бундан буён "Объект" деб аталувчи, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли (Ниязов) кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларни сотиб олишга таклиф этади!

"Объект"нинг оммавий оферта орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- объектнинг бошланғич нархи: 7 317 811 400,0 (етти миллиард уч юз ўн етти миллион саккиз юз ўн бир минг тўрт юз) сўм;
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объект" учун қўшимча ин-

вестиция киритиш мажбуриятини олиш;

- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестицияларни киритишни қисқа мuddатларда амалга ошириш (инвестиция киритиш мuddати кўпи билан 1 йил мuddат ичида).

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;

• таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2012 йил 26 ноябрь куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"а"- уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:
233-22-83, 233-74-72

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик "Аукцион" савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 7-27-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2006 йилдаги 272-сонли, 25.05.2011 йилдаги 146-сонли қарорлари ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 08.10.2012 йилдаги 50-пр-сонли буйруғига асосан фуқароларга яқна тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очик "Аукцион" савдосига Қува тумани, Маданият ҚФЙ, 136к-

контурда жойлашган 5-сонли ер участкаси савдога қўйилади.

Ер участкасининг сатхи 600 кв.м. дан иборат бўлиб, бошланғич баҳоси — 446 040 сўм.

"Аукцион" савдоси 2012 йил 13 ноябрь куни соат 10:00 да Қува туман ҳокимият биноси мажлислар залида ўтказилади Талабгорлардан савдода қатнашиш учун буюртманомалар 2012 йил 12 ноябрь соат 18:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закатал ке-

лишувига асосан, ер участкасининг бошланғич баҳосини 15 фоизи миқдорида закатал пулини тўлов ҳужжатида ер участкасининг рақами, контури кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг рекевизитлари,

ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй.
Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP"
МЧЖ. Лицензия RR 0094

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	Жанубий Корея	4	2	1	1	9-4	7
2	Эрон	4	2	1	1	2-1	7
3	Ўзбекистон	4	1	2	1	4-4	5
4	Қатар	4	1	1	2	2-5	4
5	Ливан	4	1	1	2	2-5	4

[illegible]

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

Ампутантларимиз яна Жаҳон чемпиони

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Россия Федерациясида ўтказилган 2012 йилги жаҳон чемпионатида голибликни кўлга киритиб, халқроқ мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси мураббийи Мавзурходжа Умархаджаев "Дустлик" ордени билан, терма жамоа аъзолари Нуриддин Турсунов ва Ҳакимжон Ҳасановлар "Жасорат" медали билан тақдирландилар.

Спорт хабарларини **Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда амарқанд вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Эркин АҲМЕДОВ**нинг вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ер участкаларига бўлган чекланган

E-mail: bg_rieltor@list.ru,
тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.